



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MINTAQALARIDA HORIJIIY INVESTICIYALAR DAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI TAHLILI

Хатамов Нурбек Очилдиевич
Термиз давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада хорижий инвестицияларни жалб қилишда олиб борилаётган ишлар, Худудларнинг барқарор ривожланиши фақат минтақа иқтисодиётини кучли ва узлуксиз инвестиция ҳамда инновацион рағбатлантириш бўйича шарт-шароитлар тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш, Чет эл инвестицияси, моддий ва номоддий бойликлар, барқарор ривожланиш, капитал, молиявий ресурслар ва бошқа.

АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Хатамов Нурбек Очилдиевич
Термезского государственного университета

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется проводимой работе по привлечению иностранных инвестиций, условиям устойчивого развития регионов, а также условиям мощного и непрерывного инвестиционно-инновационного стимулирования региональной экономики.

Ключевые слова: Социально-экономическое и политическое развитие, иностранные инвестиции, материальные и нематериальные активы, устойчивое развитие, капитал, финансовые ресурсы и другие.

ANALYSIS OF THE EFFICIENCY OF USING FOREIGN INVESTMENTS IN THE REGIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Khatamov Nurbek Ochilievich
Termiz State University

Abstract. This article focuses on the ongoing work in attracting foreign investments, the conditions for the sustainable development of the regions, and the conditions for strong and continuous investment and innovative stimulation of the regional economy.

Keywords: socio-economic and political development, foreign investment, tangible and intangible assets, sustainable development, capital, financial resources and others.

Кириш.

Рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар аҳамияти катта ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иқтисодий ўсиш катализаторидир. Бизга маълумки, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига киришининг муҳим исботи нафақат импорт, балки экспорт ҳамдир

Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурати: халқаро меҳнат тақсимоли; халқаро муносабатларни ривожлантириш; миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви каби омиллар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради:

- мамлакатда мавжуд илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш;
- мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реклама қилиш ва технологияларни ташқи бозорга чиқариш;
- миллий иқтисодиётни айрим тармоқ ва соҳалари экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва диверсификация қилишга ҳамда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- жуда кенг бозор, табиий ресурсларнинг бой захиралари, нисбатан малакали ва арзон ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларга капитал оқими жадаллашувига кўмаклашиш;
- янги иш ўринларини яратиш асосида бандлик даражасини ошириш, ижтимоий кескинликни бартараф этиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шаклларини ривожлантириш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қатор фармон ва қарорлари билан хорижий инвестиция тушунчаси билан боғлиқ асосий атамалар тартибга келтирилган. Албатта, бу атамаларнинг кўпчилиги олимлар ва мутахассислар ўртасида кенг муҳокамаларга олиб келади.

Адабиётлар шарҳи.

“Хорижий инвестиция” ва унга алоқадор тушунчалар кўпчилик хориж ва ўзбек иқтисодчи олимлари томонидан илмий асосланиб, иқтисодий термин сифатида ишлатилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан “чет эл инвестициялари-чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритилган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар” (Қонун, 2019) деб таърифланган.

Бекмуродов, Карриева (2010) ва бошқалар фикрича, “хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир”.

Каримов ва Хожиматовлар (2011) “Чет эл инвестицияси - чет эл жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга айтилиб, халқаро ташкилотлар ва чет эл давлатлари томонидан амалга оширади” -деган фикрни беришган.

Федотова (2011) эса, “хорижий инвестициялар-булар чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига фойда олиш мақсадида инвестиция қилинган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал қийматликлардир” - деб таъриф берган.

Масленников, Задорожный (2005), “хорижий инвестициялар - бу хорижий фуқаролар, юридик шахслар ва давлатларнинг капитал қўйилмалари” -деб таъкидлашадилар.

Царев (2004) талқинида, хорижий инвестициялар “молиявий маблағлар ёки қўшма корхоналар устав капиталида бошқа шаклида иштирок этиш, шунингдек, турли мулкчилик шаклидаги халқаро ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилмалари (пул шаклида) кўринишидаги хорижий манбалар” ҳисобланади.

Вахабов, Хажикабиев, Муминовлар (2010) хорижий инвестицияларни “капиталнинг бир қисмини миллий айланмадан ажратиб олиш ва уни тегишли шаклларда хорижий мамлакатлар иқтисодиётига ўтказиш жараёни” - деб таърифлашади.

Иванов, Головастова, Дыбовлар (2009) таъкидлашича, “инвестор-давлатлар томонидан хориждаги тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига мулкӣ ва интеллектуал бойликлар кўринишидаги жалб қиладиган инвестициялари хорижий инвестициялар деб аталади”.

Айрим иқтисодчи олимлар “Хорижий инвестициялари - бу чет эллик инвесторларнинг даромад олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига капитал қўйиши” (Юзвович, Дегтярев и др. 2016), деб таъриф беришади. Шунингдек, “хорижий инвестициялар – ташкилотлар, фуқаролар, бошқа давлат фирмалари ва, хусусан, умуман, хорижий давлатлар маблағлари” (Куприн и др. 2018) -деган таърифларни ҳам учратиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Худудларнинг барқарор ривожланиши фақат минтақа иқтисодиётини кучли ва узлуксиз инвестиция ҳамда инновацион рағбатлантириш шarti билан амалга оширилиши мумкин. Ривожланишнинг минтақавий инвестиция ва инновацион моделисиз ҳарбий-иқтисодий аралашувнинг гибрид технологияларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган глобал трансмиллий ўзгаришларнинг замонавий муаммоларига қарши туришнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Чекланган молиявий ресурслар ва миллий иқтисодиётнинг ташқи қарзга доимий боғлиқлиги даврида Сурхондарё вилояти ҳудудий парадигмани ислоҳ қилиш ва янада ўзгартириш билан боғлиқ тезкор ҳамда самарали ўзгаришларни амалга ошириш учун ажралмас иқтисодий истиқболли ҳудудга айлантириш мумкин. Бунинг учун Сурхондарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, устувор тармоқларга энг янги технологияларни жорий этиш учун инвестицияларни жалб қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кўпайтириш, замонавий ишлаб чиқариш, транспорт ва бозор инфратузилмасини яратиш ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Инвестицияларни жалб қилиш жараёни иқтисодий фаолиятнинг энг чуқур негизларига дахл қилади ва иқтисодий ривожланиш жараёнини белгилайди. Ҳозирги шароитда инвестициялар миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник тараққиётни жадаллаштириш, микро ва макро даражада иқтисодий фаолиятнинг сифат кўрсаткичлари ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлашнинг асосий воситаларидан биридир. Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётнинг фаоллашуви ва уларни ривожлантириш, жамиятдаги ижтимоий кескинликни бартараф этишга ёрдам берадиган соҳаларга айниқса зарур. Бу, биринчи навбатда, озиқ-овқат, зарур товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришдир. Гап нафақат аҳолини зарур товар ва хизматлар билан қондириш, балки уларни импорт ўрнини босиш, истеъмол товарлари ёки уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё импорти учун фойдаланиладиган валюта ресурсларини бўшатишда ҳам аҳамиятлидир.

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти - бу рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш ва ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш шarti билан уни ривожлантириш учун зарур бўлган мавжуд ва мумкин бўлган ресурслар тўплами. Ўз навбатида, иқтисодий салоҳиятни ресурс таркибий қисмига ёки ривожланиш учун мавжуд ресурслар йиғиндисига ва самарали таркибий қисмга, яъни ҳудуднинг мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш қобилиятига бўлиш мумкин.

Умуман олганда, инвестиция мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини ривожлантиришга янги корхоналар ташкил этишга, аҳоли бандлигини таъминлашга ва унинг даромадини оширишга хизмат қилар экан. Шу маънода тадқиқот объекти саналган Сурхондарё вилояти иқтисодий тизимига инвестицияларни таъсирини эконометрик баҳолашни кўриб чиқамиз. Бунинг учун, 2010-2022 йиллар учун Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланамиз.

1-жадвал

1 - сценарий бўйича Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион коэффиценти

	<i>YHM</i>	<i>SMH</i>	<i>ITH</i>	<i>AKI</i>
<i>YHM</i>	1			
<i>SMH</i>	0,989812	1		
<i>ITH</i>	0,986711	0,693918	1	
<i>AKI</i>	0,949361	0,743275	0,530876	1

Хусусан, 1-сценарий учун натижавий омил сифатида Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми – *YHM* ва унга таъсир этувчи саноат маҳсулоти ҳажми – *SMH*, истеъмол товарлари ҳажми – *ITH* ва асосий капиталга инвестиция – *AKI* омиллари танлаб олинди. Дастлаб

ушбу танлаб олинган омилларнинг натижавий омилга ва ўзаро улар ўртасидаги боғлиқлик (корреляция) коэффицентини аниқлаб оламиз (1-жадвал).

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми – ҲНМ омилига нисбатан саноат маҳсулоти ҳажми – SMH ($r_{ҲНМ,SMH}=0,989812$), истеъмол товарлари ҳажми – ИТН ($r_{ҲНМ,ИТН}=0,986711$) ва асосий капиталга инвестиция – АКІ ($r_{ҲНМ,АКІ}=0,949361$) омиллар кучли зичликда боғланган бўлиб, омиллар ўртасида $r_{x1,x2}<0,8$ шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

1 - сценарий бўйича Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг кўп омилли регрессия тенгламаси


Dependent Variable: ҲНМ
Method: Least Squares
Date: 04/18/23 Time: 06:50
Sample: 2010 2022
Included observations: 13

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
SMH	2.283553	1.942426	1.175619	0.0399
ITN	4.030377	4.873187	0.827052	0.0296
AKI	0.365501	0.275665	1.325888	0.0445
C	2861.577	875.6855	3,267814	0.0492
			$t_{jad}=2,26215716$	
R-squared	0.983235	Mean dependent var		15342.62
Adjusted R-squared	0.977646	S.D. dependent var		9938.245
S.E. of regression	1485.883	Akaike info criterion		17.69307
Sum squared resid	19870643	Schwarz criterion		17.86690
Log likelihood	-111.0049	Hannan-Quinn criter.		17.65734
F-statistic	175.9410	Durbin-Watson stat		1.941873
Prob(F-statistic)	0.000000	$F_{jad}=0,258896435$		

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгламани ҳосил қилинади:

$$ҲНМ = 2.3 * SMH + 4.03 * ИТН + 0.4 * АКІ + 2861.6 \quad (1)$$

Аниқланган (1) регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак, $\alpha=0,05$ ва $df=9$ бўлган ҳолда $t_{jad}=2,26215716$ га тенглигидан ҳамда $t_{his}>t_{jad}$ шартга биноан бирорта параметр аҳамиятли эмаслиги кузатилади. Аммо, ҳақиқатда кузатилаётган жараён учун ушбу танланган омилларнинг аҳамиятлилигига ишонч ҳосил қилиш учун ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error-ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient-Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (1-расм).



1-расм. 1-регрессия параметрларини ретроспектив сифат мезонлари натижаси

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки, $MAPE=9,08$ бўлиб, бу ўз навбатида $MAPE=9,08 < 10\%$ прогноз аниқлиги юқори ва $TIC=0,03 < 1$ коэффициентни шунчалик нолга интилишидан (1) регрессия тенгламаси параметрларининг барчасини аҳамиятлилиги келиб чиқади. Энди (1) регрессия тенгламасини аҳамиятлилигини Фишер мезонлари билан текшираемиз. Унга кўра, $\alpha=0,05$ ва $k_1=9$; $k_2=3$ бўлганда $F_{\text{жад}}=0,2589$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати $F_{\text{ҳис}}=175,9$ тенглигидан $F_{\text{жад}} < F_{\text{ҳис}}$ шартга биноан (1) регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда $DW=1,94$ тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Агар тенгламани таҳлил қилсак, Сурхондарё вилоятида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ва истеъмол товарлари ҳажмини 1,0 фоизга оширилса, у ҳолда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми мос равишда 167,9 млрд. сўм ва 106,1 млрд. сўмга кўшимча ошиши мумкинлиги аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 1,0 фоизга ошириш ҳисобидан эса Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўшимча 46,0 млрд. сўмга кўшимча ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу эса танланган бошқа омилларга нисбатан самарадорлик даражаси анча пастлигини, бунинг учун эса вилоятда ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестицияларни жалб қилиш иқтисодийнинг фаоллашуви ва уларни ривожлантириш, жамиятдаги ижтимоий кескинликни бартараф этишга ёрдам берадиган соҳаларга айниқса жуда катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан вилоят олдида турган муҳим мақсади чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шароитларни яхшилаш, қулай инвестицион муҳит яратиш, жумладан вилоят мамлакат жанубидаги чекка ҳудудда жойлашганлиги ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестицияларга имтиёزلарни кенг жорий этиш, амалий кўмаклашиш ва инвестицион муҳитнинг молиявий жиҳатларини яхшилаш зарур.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, –166 б.

Вахабов А.В., Хажсибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: “Молия”, - 328 б.

Иванов В.А., Головастова Т.И., Дыбов А.М. (2009) Иностранные инвестиции: Курс лекций. – Ижевск: Институт экономики и управления ГОУ ВПО «УдГУ», – 159 с.

Каримов Н.Ф. ва Хожиматов Р.Х. (2011) Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, -801 б.

Куприн А.А. и др. (2018) Экономика: учебное пособие / А.В. Буга, И.И. Грозаву, Т.В. Данилова, Л.В. Дорофеева, В.С. Кудряшов, А.А. Куприн, А.Д. Шматко; под ред. А.А. Куприна; Сосновоборский филиал РАНХиГС. – СПб.: Астерион, – 456 с.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 2019 йил 9 декабрь.

Масленников П.В., Задорожный А.А. (2005) Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие- Кемеровский технологический институт пищевой промышленности. - Кемерово, - 108 с.

Федотова И.К. (2011) Иностранные инвестиции в Российской Федерации и их роль в экономике региона. // Среднерусский вестник общественных наук, №3, г., стр.157-16.

Царев В.В. (2004) Оценка экономической эффективности инвестиций.-СПб.: Питер ..- 464 с.

Юзович Л.И., Дегтярев С.А. и др. (2016) Инвестиции : учебник для вузов – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та. – 543 с.